



● АТМОСФЕРА ИФЛОСЛАНИШИ УРГАНИЛМОҚДА.
● «КИЗИЛ КИТОБ» ОГОҲЛАНТИРАДИ.
● ҚИММАТЛИ СУВ ҲАЙВОНИ.
● ОЛМАЗОРГА АЧИНМАЙСИЗМИ?

БИОСФЕРАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

— ХАЛҚАРО симпозиум жуда муфозил бўганлигини алоҳида таъкидлаш керак, деди Н. В. Королёва. У СССР Гидрометеорология ва атроф муҳитни назорат қилиш давлат комитети, СССР Фанлар академияси, Жаҳон метеорология ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳит бўйича комиссияси ҳамда ЮНЕСКОнинг биргаликда қабул қилган қарорига мувофиқ ўтказилди.

— Халқаро симпозиумнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз бўлмас керак?

— Ҳа, албатта. Анжуман кун тартибига қуруқлик ва жаҳон океани ифлосланиши, ни комплекс кузатиш бўйича кейинги йилларда олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар, ни умумлаштириш, атроф муҳит ифлосланишининг табиатга ва об-ҳавога таъсири унгириш масалалари қўйилган эди. Ўзбекистонда эса бу соҳада катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган. Жумладан, 1973 йилдан ошпаб совет мутахассислари Помир-Оло тоғларида жойлашган «Абрамов музиги» станциясида комплекс тадқиқотлар ўтказилган. Бу музлик 3837 метр баландликда.

Шуни айтиш керакки, музликлар атмосфера ифлосланиш тўғрисида маълумотлар олиш учун ноёб объектлар ҳисобланади. Улар қатламларида тўпланган моддаларнинг ўрганиш натижасида атмосфера ифлосланишидаги ўзгаришлар ҳусусиятлари тўғрисида ҳулоса чиқариш ва шу асосда яқин келажикда ер куралидаги аҳвол қандай бўлишини оқлдан айтиб бериш мумкин.

— Бу муҳим муаммолар

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ОКтябрь ойининг ўрталарида республикамиз пойтахтининг марказий кўчаларида бугдой бошоти ва пахта шохи ўраб турган ер курали, унинг марказида эса Тошкент куралини ташкил қилган тасвирлар пайдо бўлди. Бу Тошкентда бўлиб ўтган учинчи халқаро анжуманининг белгиси эди. «Тошкент ҳақиқати»нинг тахсус мухбири А. Носирова биосферанинг аҳволини комплекс кузатишга бағишланган бу халқаро симпозиум қатнашчиси. СССР Гидрометеорология ва атроф муҳитни назорат қилиш давлат комитети Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими Н. В. Королёва билан учрашиб, анжуман ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Юзасидан олимларнинг фикри қандай бўлди?

— Халқаро анжуманда мамлакатимиз вакиллари, дан ташқари Болгария, Чехославкия, Руминия, Венгрия, Финляндия, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг олимлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Унда биосферанинг ҳозирги ва яқин келажикдаги аҳволининг турли масалаларига бағишланган 70 тадан кўпроқ илмий докладлар тингиланди. Атроф муҳит ифлосланиши муаммолари билан шуғулланган олимларда совет мутахассислари, профессорлар М. Е. Берлянд ва И. П. Каролиннинг доклады катта таассурот қолдирди. Бу олимлар партия билан давлатимизнинг табиатини муҳофаза қилиш тўғрисида қилаётган тадқиқотлари, шу йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар тўғрисида муфассал ахборот бердилар.

Симпозиум қатнашчилари «Абрамов музиги»да ҳам бўлишди. Бу ерда кур-

ран заминимизда рўй бераётган жараёнларни комплекс кузатиш учун ҳамма имкониятлар бор. Станциянинг мореналардан (музликлар билан бирга қўйиб келган тоғ жинслири уюми) бирида «Пост-2» комплекс лабораторияси ўрнатилган. У бу чўққи жойга вертолёт ёрдамида олиб келинган. Лабораторияда атроф муҳит ифлосланишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Анжуманда доклад қилган олим ва мутахассисларнинг кўпчилиги инсоннинг ҳужайра фаоллиги натижа, сила атроф муҳитини ифлосланиши муаммолари жиддийлашганлигини таъкидлашди. Ана шу шароитда олимлар табиатини муҳофаза қилиш даврининг энг муҳим масалаларидан бирига айланди: инсоннинг ўзига таъсир қилган атроф муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида олиб бораётган ишлари намуна қилиб кўрсатилди.

— Халқаро симпозиум

қатнашчиларининг бу борада республикамизда, жумладан, областимиз ва Тошкент шаҳрида амалга оширилётган ишлар тўғрисидаги фикрларига ҳам тўхталсангиз?

— Республикаимиз пойтахти чет эллик олимларда айниқса катта таассурот қолдирди. Улар саноат корхоналари шаҳар чеккасида олиб чиқилаётганлигини, атроф муҳитни ифлослантириш маслиҳат учун муҳофаза чоралари қўйилаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Тошкентда кўпқатмарли зорлаштиришга катта эътибор берилаётганлиги ҳам кўпчилик эътиборини тортди.

Анжуман қатнашчилари Чимёнда ҳам бўлиб, қор кўчкисининг олдини олишга мўлжалланган станцияни кўздан кечиришди. Бу ерда электрон ҳисоблаш машиналари ўрнатилган. Улар қор кўчкисини юз беришини олдиндан аниқлашда мутахассисларга қўл келяпти. Чимёнда ташкил этилган дам олиш зонаси меҳмонларга жуда маъқул тушди. Улар бунинг инсоннинг табиатга авайлаб муносабатда бўлиш намунаси, деб ҳисобладилар.

Халқаро симпозиумда муҳофаза қилинган масалалар, қабул қилинган тавсиялар атроф муҳит ифлосланишини камайтириш тадбирлари, ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир. Ҳозирги пайтда институтизм олимлари ва мутахассислари бу симпозиум материаллари асосида атроф муҳитини муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар белгиламоқдалар.

Областимиз ҳайвонот дунёси

Шу йил ёзда жаноки ҳамроҳим, беш ёшли Валия билан Салор кўпригиндан ўтиб борар эканмиз, у тўсатдан «Қаранг, сувада каламуш сузиб юрбодидеб қолди. Мен қичча кўрсатган томонга қараб ондатрага кўзим тушди. Мўйнали йиртқич ариқнинг ярмигача сузиб бориб, сувага шўғилди. Бир дақиқа ҳам ўтмасдан яна сува юзасида кўринди. Бу пайт у тумшугида сува ўтини тишлаб турарди. Ондатра бир неча дақиқа атрофга кўз югуртириб, сўнг бетон плита ётирилган қирғоқ томон сузиб кетди. Бетон плиталари орасидаги нинга яқинлашиб кетганда кўриқдан трамвай ўтиб қолди. Унинг овозидан хурқиган ондатра кўздан ғойиб бўлди.

ОНДАТРА

Бу ҳайвоннинг областимизда пайдо бўлишининг ўз тарихи бор. 1953 йилнинг 5 апрелида илк бор 250 та ондатрани Сирдарёдаги Чибойтой қўлига қўйиб юборишганди. Бу кўз Чиноз ва Сирдарё станциялари ўртасидаги темир йўл кўприги яқинида эди. Йиртқичлар тез орада Сирдарёнинг турли томонларига тарқалиб кетти.

1961 йилда мен уларни пойтахт чеккасида, Сағбон кўчасида жойлашган илон сақланган жой яқинида учратган

эдим. Кейинроқ улар Тошкентнинг бошқа жойларига ҳам тарқалди. Ҳозирги пайтда йиртқичлар Салор, Бўзсув ва Анҳор каналларида учрайди.

Ондатра сувада ва қирғоқларда ўсадиган турли ўсимликлар билан овқатланади. Бу ўсимликлар ва қамшзорлар йиртқич яширинган ҳамада учрадиган пайтда яшайдиган жой вазифасини ўтайди. Шаҳаримизда ва унинг атрофларида ондатра илон сақланган жой яқинида учратган


Йил давомида ургочи ондатра уч-тўрт марта насб беради. Ҳар бир насб беришда 4 тадан 12 тагача бола туғади. Ўш ондатралар тез улғайди. Уларнинг ургочилари 3-4 ойлигида ёқ насб беришга етилади. Ондатралар олти ёшгача умр кўради.

Бу қимматли йиртқични муҳофаза қилиш учун барча чораларни кўриш лозим. Агар улар кўп миқдорда тутиб олинмаганда областимиз сува ҳаваларидаги ондатралар анча кўпайиб кетган бўларди. Табиат иқлосмандлари ондатрани уй шароитларида ҳам кўпайтиришлари мумкин.

О. БОГДАНОВ, профессор.



Унинг фидойилиги, маҳорати билан ўлкамизда ҳам цитруслар етиштирилмоқда. Тошкент гўшти ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёрдамида ҳужайрада етиштирилган бу лимонлар ишчи-хизматчилар дастурхонига тортиқ қилинади. Бу ерда 0,13



гектар ердаги лимонзордан уч тонна ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Суратда: бирлашма цехининг бошлиғи С. Алимхўжаев лимон ҳосили қўздан кечиряпти.

А. Абалин фотоси.

ГАЗЕТХОН ЛУҚМАСИ

ЭСИЗ БОҒ...

Ҳар сафар ишга борганимда шу боғ оралаб ўтардим. Унинг атрофи симтўр билан ўралган, мева дарахтлари кўм-кўк янбаб турарди. Ҳар йили бу ердан тонналар ҳосил йиғиб олинарди.

Нима бўлди-ю, боғ ичига янги савдо дўкони қуришга киришди. Шу сабабли беш гектар чамаси боғнинг симтўрлари олиб ташланди. Дарахтлар қирқила бошланди. Бу ердан ўтадиган баъзи ноинсофлар ҳали пишмаган, етилмаган меваларни уриб тушириш учун уларга тош, таёқ отарди. Олмалар бамисоли гуноҳ қилгандек айбис жазоланарди.

Шунинг учун мева шохлари синиб, қурий бошлади. Бундан сўнг уларни тағ-томори билан ёки тўнка қолдириб ўтинга кесилга қирқилди. Ҳимоясиз қолган дарахтлар гўё «кайси гуноҳимиз учун» бизга шунчалик шафқатсизлик қил

япсизлар» дейётгандек эди.

Ҳолбуки, бу боғ «Хўжа»нинг посёлкасининг кўрки, меҳнаткашларнинг оромгоҳи эди. Ҳозир эса унинг эгаси ким: Чорвоқ ГЭСини, бу ерда иш юриётган район умумий овқатланиш корхонасини, билиб бўлмайди. Не машаққатлар билан бунёд этилган серхосил олмасор боғ ҳароб бўлди, ҳи соб. Ҳозир бу ер тиканзор, ташландиқ жойга айланган. Сақланиб қолган сўнгги дарахтлар ҳам сувсизликдан қурий бошлади.

Энди ҳар гал собиқ боғдан ўтганимда юрагим эзилди, ачинади. Умида бирор тул дарахт кўкратирган ёки кўкратирмаган одамларнинг аини ҳосилга кирган боққа қирқиб келтирилганлиги билан ҳеч келиша олмайдим. Эси

Н. САДИРОВ.

ҚУТҚАРИЛГАН МЕШКОПҚУШ

Баҳорнинг биринчи ойна эди. Чинозлик бир гурӯҳ овчилар Шимолий Айдар оғлида балик тутишарди. Ҳамроҳим, балиқчилар бригадасининг бошлиғи Н. И. Ильинов билан қайиқда кўлга қўйилган тўрлар томон борардик.

— Бу ерда кўлнинг чуқурлиги 9 метргача етди, — деб изоҳ беради Николай Иванович. — Биз тўрни сув тўқинлари етиб бормайдиган, унга ўтлар тўпланиб қолмайдиган чуқурликка ўрнатамиз. Биз тўр ўрнатилган жойга яқинлашганимизда кўзимиз мешкопқушга тушди. У қайиқни қўриб турган бўлса ҳам жойидан қўзғалмасди. Шундагина кўшнинг бир оёғи тўрга ўралашиб қолганлигини кўрдик. Афтидан бу тажрибасиз қуш тўрга тушган балиқларни қўриб, «ўлка» томон сузиб келган ва тўрга ўралашиб қолган бўлса керак.

Ильинов мешкопқушни эҳтиёткорлик билан қўлга олиб, қўшнинг оёғини тўрдан бўшатгач, унинг бир оёғи синганлигини аниқлади. Балиқчилар маслаҳатлашиб, қушни ўзлари даволашга келишди. Тезда балиқчилардан бири дока, иккинчиси қуш оёғини маҳкам қилиб боғлаш учун тахтанаш топиб келди. Меш-

копқушнинг синган оёғи маҳкам боғланди, сўнг у қамшзорга қўйиб юборилди. Овчилар қушни кичик балиқчалар билан боқа бошлади.

Яқинда, янги ов мавсуми бошланиши олдидан мен яна ўша жойларда бўлидим. Балиқчилар бригадасининг бошлиғи Ильинов мешкопқушнинг кейинги тақдирини тўғрисида шундай ҳикоя қилиб берди:

— Дастлабки пайтда қушни боғлаб қўйишга тўғри келди. Бир неча кун ўтгач эса «бемор» балиқни қўлга маҳкам ола бошладим. Уч ҳафтадан сўнг, унинг оёғига боғланган тахтакаши етди. Қуш соҳил бўйлаб сайр қилиб чиққач, ўзи ўрганиб қолган жойга қайтиб келди.

Бир кун биз ов қилиб юрган жой яқинида мешкопқушлар тўдаси учиб ўта бошлади. Бунинг кўрган бизнинг қўшимчи ҳам бир метр келадиган қамотларини қотиқчи, улар тўдасига қўшилди. У доимий манзили томон йўл олишдан аввал биз ов қилаётган жойдан бир айланиб ўчди. У замин қўртқазган ҳалоскорлари билан хайрлашаётган эди...

М. МАХМУТОВ, «Ўзбекистонхобороти»нинг фахрий аъзоси.

ШУНАҚСИ ҲАМ БҮЛАДИ

СОҲИЛДАН КУЗАТДИК

А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтини хизматчи, ов иқлосманди Эркин Мирзасев билан Сирдарё соҳилида балиқ овлаб ўтирдик. Шу пайт қамшлар орасида илонбалиқ кўзимизга тушди. Бу балиқ тўғрисида гаройиб гаплар юради. Айтишларича, у қуруқликда ҳам, сувда ҳам қушни мумкин экан. Умуман, илонбалиқ бир неча кун давомида сувсиз яшай олади. Унинг тангачалари илонникига ўхшаш бўлганили учун ҳам шундай атошад.

Мен ҳам, шергим ҳам унинг бу хусусиятларини билар эдик. Бу галги ов пайтида эса у бизни яна бир жиқати билан ҳайратга солди.

...Биз қирғоқда, узунлиги бир метрча келадиган илон-

балиқни кузатиб турар эдик. У вақти-вақти билан сувдан шўғилб чиқиб, нафас оларди. Илонбалиқ қурбқа, майда балиқчаларни ушлади.

Қўтилмаганда илонбалиқ сувдан сакраб қамшлар орасига кириб қолган қушчини тишлаб олиб, яна дарага шўғилди. Бу бир неча дақиқа ичидан бўй берганлиги учун кўзимизга ишонмасдик.

— Мана бунинг овчи деса бўлади, — дейишди соҳилда қармоқ ушлаб ўтирган ов иқлосмандлари. — Унинг ўзини қармоққа туширишга ҳаракат қилиб кўрмаймизми!

Лекин биз қанчалик уринибалиқ бунга эриша олмадик. Илонбалиқ бошқа кўримида.

А. ИНСАРОВ, инженер.



Балиқ овининг ҳам уз гашти бор. Фотоэтид.

ТИРИК «СЕЙСМОГРАФЛАР»

Олимлар зилзила дарақчилари қаторига тирик «сейсмографлар»ни қўйишга қарор қилдилар. Олмаота яқинида мамлакатда биринчи биосейсмология полигон барпо этилди. Унинг учун 30 гектар майдонли жой танлаб олинди. Бу ерда кўп ҳайвонлар, паррандалар, судраувчилар ва ҳашаротлар яшайди.

— Ҳайвонлар зилзилани олдиндан сезишини тасдиқловчи аниқ фактлар бор, — дейди полигон тузувчилардан бири, биология фанлари доктори П. Марковский. — Ҳайвонлар кучли ер ости силкинишдан олдин тупроқнинг микросейсмик активлигини, сизот сув юзаси ўзгариши, ёриқлардан газ чиқиши ва бошқа ғайри-табиий ҳодисаларни сезади.

(ТАСС мухбири).

БИЛАСИЗМИ?

Австралия айғи — коала ҳеч қачон сув ичмайди. У факатгина эквалент апроқлари билан озиқланади. Бу апроқларнинг шарбати коалани сув билан таъминлайди.

Энг баланд овоз билан наъра тортувчи ҳайвон — шер. Унинг товуши инсон кўлгои пайкаб оладиган овоздан юз минг мартабга кучли.

Янги туғилган китнинг вазни катта ёшдаги филдан ҳам оғир бўлиб, беш тоннача келади. Кенгуру бошиси 10—100 грамм яқин ангишвона катталигидан ошмайди.

Бразилия қирғоқларида тарқалган баъзи кедуларнинг қоник ҳаво ранг бўлади.

Энг митти қушлардан бўлган колибри олд. орқа ва ён томонларга уча олади.

Пингвин факатгина Антарктидада яшайди.

Тимсоҳнинг ёғи яшил рангда бўлади. Бошқа ҳайвонларники эса — оддий сарқик тусда.

Дунёдаги энг катта қуш — туяқуш бўлиб, оғирлиги 90—100 килограмм, бўйи 2,75 метргача боради.

Хамелеон (бўқаламун) бир пайтнинг ўзида бир кўз билан олдинга ва юқорига, иккинчиси билан эса орқага ва пастга қарай олади.

«Земля и люди» тўпламидан.

ТЕКИНХҲРГА ШАФҚАТ ЙҲҚ

Александр Бужаковнинг қўли қўлга теғмасди. У зорга балиқларнинг килограммининг 2 сўм 50 тииндан сотарди. Ички ишлар ходимлари унинг шахси билан қизиқиб қўришганда А. Бужаковнинг балиқчи эмас, балиқ балиққуруш эканлиги маъ-

лум бўлди. У 80 килограммдан кўпроқ балиқни номаълум шахслардан ҳар килограммининг бир сўмдан харид қилди, иккинчи ярим баъзари қимматига пуллаётган экан. Янги Чиноз посёлкасида истиқомат қилувчи Л. Гребнева ҳам осон пул топиш йў-

лига ўтиб олибди. У шу йил 15 октябрда дудланган балиқнинг ҳар донасини беш сўмдан сотаётган пайтда ушланди. Бу балиққурушда 56 та дудланган балиқ бор эди. Маълум бўлинича, Л. Гребнева ҳам номаълум шахслардан 80 дона дудланган балиқ-

БАЛИҚФУРУШЛАР

ни ҳар донасини уч сўмдан сотиб олиб, бундан мўмай дарамад қилиш пайда экан. Бу юнги балиққуруш устидан жиноий иш қўзғатилди. Шунга қарамастан ҳали ҳам мўмай дарамад орттириш учун су ҳавзаларидан балиқларни ман этилган воси-

талар билан ушлаётган, балиққурушлик билан шуғулланаётган шахслар учраб туради. Ички ишлар ходимлари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш жағияти активлари томонидан ўтказилган рейдлардан бирида Яллама қиллоқ Советида истиқомат қилувчи Хурсаной Холматованинг қонунга хилоф равишда балиқларни дудлаш билан шуғулланаётганлиги аниқланди.

Унинг устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди... Фақат кейинги беш ой ичидан биз 30 дан кўпроқ ана шундай рейдлар ўтказдик. Буларнинг натижасида Сирдарё, Чирчиқ ва Бўзсувда браконьерлик билан шуғулланувчилар ушланди. Шунингдек, айрим ҳонадонларда қонунга хилоф равишда балиқларни дудлаш билан шуғулланаётганлар аниқланди.

Чайқовчилар устидан жиноий иш қўзғалган бўлса, бошқаларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди. Балиқчилар қонунсиз равишда ушлаётган ва балиққурушлик қилаётганларга бундан бунга ҳам шафқат йўқ. Қ. НАЗАРОВ, област иқроия комитети ички ишлар бошқармаси бўлимининг бошлиғи, милиция майори.

• ВОҚЕАЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ХУШХАБАРЛАР •

ТОҶИКИСТОН РАССОМЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Рассомлар союзининг кўргазма залда қардош Тоҷикистон тасвирий санъат усталарининг энг яхши асарлари намойиш этилмоқда. КПСС XXVIII съездида бағишланган бу кўргазмада Тоҷикистон ҳунардор усталарининг турли жанрлардаги 270 та асари тошкентлик тасвирий санъат муҳлисларининг ҳушмига ҳавола этилди.

Пойтахт сайъатсеварлари Тоҷикистоннинг таниқли рассомлари М. Ҳошмухамедов, Х. Ҳушвахтов, А. Раҳимов, Г. Кузмин, А. Камелининг тоғли ўлканинг бектор манзарасини акс эттирган пейзажлари билан танишмоқдалар.

Кўргазмада тоҷикистонлик ёш рассомлар С. Шарипов, М. Бекназаров, З. Давутов, Р. Азизов, Т. Самандаров, Я. Бегимов ва бошқаларнинг янги асарлари билан ҳам танишиш мумкин. Улар орасида С. Шариповнинг «Ўтмиш хотиралари»,

К. Едгоровнинг «Биринчи қалдирғочлар», Ф. Нейматовнинг «Катта қанчал қурилишда», Р. Сафаровнинг «Наврўз» картиналари бор.

Тоҷик рассомларининг ижодда замонавий образини яратиб алоҳида ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан А. Сайфуддинов, Л. Фромкова, Л. Обориновларнинг республиканинг меҳнатсевар кишиларининг тасвирлаган портретлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада С. Нуриддин, А. Яҳёев, С. Мирсановларнинг орнаментал паннолари, В. Сергеевский, Я. Маматкулов, Н. Қурбонкуловларнинг саҳна асарларига ишлаган эскизлари билан ҳам танишиш мумкин.

Тоҷикистон тасвирий санъат усталарининг Тошкентдаги кўргазмаси республикадаги таълимчи ошкоралари ўрта-сидати алоқалари янада мустаҳкамлаш мақсади билан хизмат қилади.

А. ҲАКИМОВ.



«ЎЗБЕКФИЛЬМ»ДА

«ОРЗУЛАР
ОҒУШИДА»

ШУ КҮНЛАРДА «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари «Орзулар оғушида» деб номланган янги бадиий фильм устида иш олиб бормоқдалар. Режиссер Фирдавс Зайниддинов раҳбарлигида яратилган бу фильм ўзбек-совет адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири — Ойбекнинг «Волалик» повести асосида бўлиб, унда адабнинг болалик чоғлари ҳикоя қилинади.

Бош қаҳрамон образини Абдураҳмон Ганиев яратмоқда. Фильмдаги қолган ролларни эса Тошкент театрларининг бир гуруҳа актёрлари, жумладан, Гани Аъзамов, Ойдин Норбоева, Пулат Саидқосимов, Раъно Зокирова ва бошқалар икром этмоқдалар. Картинанинг асосий қисми республикамизнинг пойтахти ҳамда Чуст шаҳрида, баъзи кадрлар эса Паркент районидаги Суқоқ қишлоғининг хушманзара жойларида суратга олинмоқда.

Ойбек таваллудининг 80 йиллигига бағишланган мазкур картинага даъватининг ўғли — Омон Тошмухамедов консультантлик қилмоқда. Фильм яқин кунларда кино ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилади.

М. УСМОНОВ.

△ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Т. Содиков номли шаҳар маданият уйининг «Студия-83» бодалар рақс ансамбли республика «Санъат байрами» га тайёргарликни бошлаб юборди. Бундан икки йил аввал ташкил этилган бу коллектив Ўзбекистон шаҳарлари бодалар балл рақслари

конкурсда дастлабки муваффақиятни қўлга киритган эди. Ҳозир бу ансамблда 60 нафар бодалар шугулланишмоқда. Суратда: ансамбль катнашчилари репетиция пайтида.

А. РИСКОВ ФОТОС.

(ЎЗАТ).

ГРАЖДАН МУДОФААСИ СИСТЕМАСИДА ЎҚУВ ИЛИ БОШЛАНДИ

ҲАММА БИЛИШИ ВА
УДДАЛАШИ КЕРАК

2 декабрда граждан мудофааси системасида янги ўқув йили бошланди. Дастлабки машғулотлар «Ўзбекхимаши», «Резинотехника», Нариманов шаҳридаги йирик панелли уйсозлик, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводидаги, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар, Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатларида ва бошқа объектларда уюшқоқлик билан ўтди. Бу ерларда машғулотлар ўтказишга зарур ўқув-моддий базаси яратилган. Айниқса, А. Яковлев, В. Лихарев, Н. Хохлов, А. Абдураҳмонов, С. Ҳайдаров, З. Бекбулатов, Х. Аглаев, Л. Ли, С. Жамилон, Н. Григорьев, Р. Ардаширов ўр-тоқлар раҳбарлиги қилган объектларда ҳар бир машғулот юқори савидада ўтатилади.

Янги ўқув йилида граждан мудофааси системасида ишчилар, хизматчилар, қол-қончилар керакли назарий билимларни олиш билан бир қаторда ҳозирги қўрол воситаларидан, ҳимоя қилиш воситаларидан самарали

фойдаланиш бўйича амалий дўнқималар ҳам ҳосил қилди-лар. Барча машғулотларни объектлардаги мавжуд ўқув-моддий базаларида ўтказиш режаланапти. Халқ ҳўжалиги объектларининг раҳбарлари планлаштирилган барча тадбирларни ўтказиш ва аҳолини граждан мудофаасига ўқитишга янада жиддийроқ эътибор беришлари лозим. Фавқу-лодда ҳолатларда, улар зарар қўрган жойларда мустақил равишда актив ҳаракат қилишга тайёр туришлари даркор.

Тактик-махсус ўқувларни уюшқоқлик билан ўтказиш, уларни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаш лозим. Айниқса, шахсий ҳимоя ва алоқа воситалари, асбоб-ускуналар, механизмлар етар-ли даражада бўлиши керак. Машғулотларни ўтказишда ўқитишнинг техникавий воситаларидан кенг фойдаланиш, кино ва диафильмлар намоиш қилиш мақсада мувофиқ.

Ушбу ўқув йилида аҳоли кучли таъсир қўришадиган заҳарли моддалардан ўзини

ИККИ АНСАМБЛЬ
КОНЦЕРТИ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройларининг бадиий ҳаваскорлик ансамбллари облатимиз пахтакорлар ва чорвадорларига маданият хизмат қўришмоқдалар. Яқинда ҳар икки ансамбль Пискент райони хўжаликларига бўддилар. Улар «КПСС XXVI съезди» совхозин, Свердлов номли ва Тельман номли колхозларининг дала шийпонлари ва фермаларида концерт қўйиб беришди. Қишлоқ меҳнатчиларига ҳаваскорлар Карим Убайдуллаев, Ҳамид Исмолов ва Маъмура Хусниддиновлар икром этган қўшиқ ва рақслар айниқса манзур бўлди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

10-18 ДЕКАБРЬ КҮНЛАРИ


«ЗЕМЛЯНЕ» ГРУППАСИНИНГ
Г АСТРОЛЛАРИ

Раҳбари — Владимир Киселев. Томошалар 10.11.12.13.16.17.18 декабрда соат 17.00 ва 20.00 да, 14.15 декабрда соат 14.17, 20.00 да бошланади. Билетлар «Юбилей» спорт саройи кассаларида ва тегишли жойларда сотилмоқда. Касса ҳар кун соат 12 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб кўриш учун заявклар қабул қилинади. Маълумотлар учун телефонлар: касса 46-70-31, 46-03-12; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ҲАР БИР БУЮМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

«ОНЕГА» корпусли мебеллар термаси шкафининг секцияларида ҳар қандай буюм учун муносиб жой ажратилган.



Махсус фурнитура ва манзарали ишланган эшиклар бу мебелларга ўзига хос бадиийлик бахш этган.

«ЎЗБЕКПРОЕКТЕМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон: 55-22-89).

«Союзторгреклама» Бутуниттифок бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон: 45-37-27).

«СПОРТЛОТО»

ИШҚИБОЗЛАРИ

ДИҚҚАТИГА



«Спортлото» билетларини сотиб олиш билан сиз мамлакатимизда физкультура ва спортнинг тараққиётида қатнашган бўласиз. Сизнинг шахсий ютуқларингиз эса 3 сўмдан 10 000 сўмгача бўлиши мумкин.

«Спортлото» билетларини тўлдирганда гоҳида диққат эътибори бўлиши. Билетларда ўқитиш ва тузатишларга йўл қўймагиз, ўчирилган билетлар брак ҳисобланади ва ўйинда қатнашмайди.

Агарда Сиз тасодифан қондаларда кўрсатилганидан кўпроқ номерларни: «49 дан 6» лотерея билетларида 6 тадан ортиқ, «36 дан 5» лотерея билетларида 5 дан ортиқ рақамларни ўчирган бўлсангиз, билетлар тиражга бемалол қатнашади. Лекин тўғри топишган рақамлар ютган ҳолларда ортиқча ўчирилган рақамлар чиқариб ташланади.

Ютуқлар тираж ўтказилганидан кейин 11-кундан бошлаб, бутун ой давомида туланади.

Бундан ташқари қуйидаги тартибни билиб қўйишнинг лозими: беш юз сўмгача бўлган ютуқлар марказий омонат кассаларида туланади. Ундан ҳам йирик ютуқларни олиш учун паспорт ва «Спортлото» билетининг «А» қисmini билан бошқармага шахсан ўзингиз мурожаат этишиш лозим.

ОМАДИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛСИН!

БҮГҮН

9.00 «Время», 9.40 Мультфильмлар: «Тонгги куй», «Комарович ҳақида эртанг», «Эришлардан лудей», 10.10 М. Ю. Лермонтов, «Маскарад» драматиздан сазналар, 11.40 «Саломатлик кўни», 12.40 ва 15.00 Янгиликлар, 15.20 «Қишлоқ ўқуқлари», Хўжалик фильмлари, 16.00 В. Шаян Л. Бетхен асарларининг икром этади (фортепиано), 16.20 «Дардан сўнг», Тележурнал, 17.10 Россияда 1905—1907 йилларда революциянинг 80 йиллигига. Тарих саҳифалари, 17.45 «...16 йилгача ва ундан катталар», 18.30 «Фан ва турмуш», 19.00 «Ремонда кўш акси бор», 19.15 «Дунё воқеалари», 19.30 «Исон ва қонун», 20.10 «Картина», Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси, 1-серия, 21.30 «Время», 22.05 «Хўжалик экрани», 23.15 «Дунё воқеалари», 23.30 «Оқшом тароналари», Молдавия ССРда хизмат кўри-сатган артист И. Суручун куйлайди.

9.00 — 16.05 МТ II, 18.05 Кўрсатилган программаси, 18.10 Химия, Сунъий ва синтетик тола, 19.15 «Биринчи пост», Телефильм, 19.30 «Ахборот» (рус.), 19.45 Биология, Менделеев қонунилари, Масалалар ечиш, 20.30 «Ахборот», 20.50 «Орал денгиз: муаммолар ва ечимлар», «Исон ва табиат» туркумидан (рус.), 21.30 МТ II.

Тошкент район Кирова икромия комитети қишлоқ Совети депутаты, 1932 йилдан бери КПСС аъзоси

Модели ЧУТАВНИНГ вафот этганини чуқур кайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Калинин район комитети ва район икромия комитети Калинин район икромия комитетининг собиқ секретари, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Соат Ёкубович ЗОКИРОВНИНГ вафот этганини чуқур кайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ушбу 18.00 Янгиликлар, 18.15 «Бир том остида», «Ох, сингилжоним!» Мультфильмлар, 18.40 Болалар учун, «Ўйлаб топ» (рус.), 19.10 «Мусобақа — омма ижоди», 19.30 «Ахборот» (рус.), 19.45 «Ушба уйда бахт», Телефильм, 20.05 «Ўзгичи ва амон», КПСС Марказий Комитетининг лоийхаларини муҳофама қила-

«Ташкент ҳақиқатининг навбатдаги сони 6 декабрда чиқади».

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Бизнинг адрес: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

ХАЛҚАРО
АҲВОЛ

ҚАРДОШ ЛАОС ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

ВЬЕНТЬЯН, 2 декабр. (ТАСС Мухбир). Бугун Вьентьянда Лаос Халқ Демократия Республикаси эълон қилинган қўниинг 10 йиллигига бағишланган ҳарбий парад меҳнаткашлар митинги ва намоиш ўтказилди. Минбарларда Лаос Халқ революцион партияси ва Лаос давлатининг раҳбарлари, революция ветеранлари, таниқли жамоат арбоблари туришди. Тантаналарда Вьентьям Коммунист партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, Кампучия Халқ-революцион партияси Бош секретари, КХР Давлат Кенгазининг раиси Хенг Самрин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Я. П. Рябов бошчилигидаги совет

партия-давлат делегацияси қатнашдилар. Митингга сўзга чиққан ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг раиси К. Фомвизан 10 йил муқаддам Лаос халқи ўз тақдирининг хужайини бўлиб қолганини айтиди. Халқ-революцион партияси раҳбарлигидаги Лаос халқи социализм асосларини қуриш йўлидан даслал олган бормоқда, революция душманларининг ҳамаларига кескин зарба бермоқда.


Лаос меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати ва қардош социалистик мамлакатларининг ёрдами туяфайли республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришди, деди нотиқ.

ЛХДРнинг социализм мам-

лакатлари билан, аввало Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлиги доим чуқурлашмоқда. СССР билан муносабатларини ривожлантиришни биз ўзимизнинг принципили санъатимиз деб, революциямиз ғалабасининг қонунияти ва қароли деб биламиз, деди Лаос раҳбари. ЛХДР Совет Иттифоқининг қуролланиш поёбисини жайловлашти, д-ро уруши хавфларини олдин олишга, Ер юзидан тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини тўла-тўғис қўллаб қувватлашмоқда. СССРнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ишидаги юксак масъулияти олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувида яна бир бор намоиш этилди.

БАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ
ЗАРБАЛАРИ

ГАВАНА, 2 декабр. (ТАСС). Сальвадор батанпарварлари «Венсеремос» радиостанциясининг хабарларига қараганда, Фарабуно-до Марти номидаги Миллий озодлик fronti (МОФ) жангчилари ўтган ой давомида Дуарте америкапараст режим армиясининг деярли 600 солдат ва офицери сафдан чиқарганлар. Батанпарварлар мамлакат кўпчилик департаментлари территориясида олиб бораётган жанглар давомида ўнлаб автоматларни, бир неча гранатомет ва тўпларни ўлга қилганлар. Америкада ишлаб чиқарилган, Сальвадор ҳарбий ҳаво кучларига қарашли учта вертолёт партизанларнинг мерганларча оқган туздан шикастланган.



МИСР—ЛИВИЯ
ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ

ТРИПОЛИ, 2 декабр. (ТАСС). ЖАНА агентлигининг хабар қилишича, Қўшма Штатлар Ўрта Денгиздаги ҳарбий денгиз кучларини қўйатирди. Тасдиқланган маълумотларга қараганда, деб таъкидлайди агентлик, АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг авианосецлари, транспорт кемалари ва бошқа кемалари Крит оролига яқин келган.

Америка ҳарбий ҳаво кучларининг бу тўпланиши тўла жанговар ҳолда Ливия чегарасига келтириб қўйилган Миср қуроли кучларини қўллаб-қувватлаш доирисида амалга оширилмоқда, деб таъкидлайди агентлик.

ПАРИЖ, 2 декабр. (ТАСС). Миср—Ливия чегарасида вазият шу қадар хатарлики, арзимаган можа ро воқеаларнинг ҳавфли даражада ривожланишига олиб келиши мумкин, деб ёзади «Монд» газетаси. Газетанинг Қоҳирадаги мухбири хабардор манбаларга таъйиб маълум қилишича, чегара районларига Мисрнинг яна иккита бронетанк бригадаси юборилган.

НЬО-НОРК, 2 декабр. (ТАСС). Уч Америка офи-

цери, шу жумладан генерал Роберт Унггин терроризмга эгаллаб олган Миср самолётини ҳужум қилиб эгаллаган Миср қомандослари билан биргаликда самолётда Мальтага келганликларни АҚШда расмий равишда тасдиқланди. Шу билан бирга, деб хабар қилади «Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШ расмий вакили Америка офицерлари «Қўшма Штатлар Мисрини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганини намоиш этиш» учунгина келганлигини айтиди. Америка расмий шахсларининг фикрлари Мальтанин юқори лавозимли вакили сўзларидан тасоман фарқ қилади. Мальта вакили Америка офицерлари самолётга ҳужум қилган қомандослар ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришга ёрдам қилдилар, деб айтиди.

ВАШИНГТОН, 2 декабр. (ТАСС). «Вашингтон пост» газетасининг маълум қилишича, Америка офицерлари оролга бетакалупф бўлиниг устига мальталикларга билдирмай келганликларга учун Мальта ҳукумати норозилик билдирган.

Газетанин таъкидлашича, ўғирлаб кетилган самолёт оролга етиб келиши биланоқ «Корабл си» авианосеци Мальта районида юборилган, авианосецдаги қирувчи самолётлар эса Ўрта Денгиз устидан учиб ўтиш вақтида Миср қомандослари тушган транспорт самолётини қўриқлаб борган.

● ГДАНСК ПХРининг энг муҳим денгиз портидир. Бу ерда В. И. Ленин номидаги, Партия Коммунаси номидаги ва бошқа верфлар жойлашган. Халқ ҳўкимияти илларида республика верфларида 2 мингтага яқин турли кема қурилган. Суратда: поляк бадиичлари учун қурилган «Торнадо» транспорт рефрижератори Пария Коммунаси номидаги верфда.

ЦАФ — ТАСС ФОТОС.